

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАВЛЯНОВ ҒАНИ НАРИМОНОВИЧ

**СУҒОРИЛАДИГАН ҲУДУДЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ХАВФЛАРИНИ
КАМАЙТИРИШДА ЛЁССИМОН ЖИНСЛАРНИНГ СОРБЦИЯ
ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мавлянов Гани Наримонович

Суғориладиган худудларнинг экологик хавфларини камайтиришда лёссимон жинсларнинг сорбция қилиш хусусиятларини баҳолаш.....3

Мавлянов Гани Наримонович

Оценка сорбционных свойств лессовых пород в снижении экологических рисков орошаемых территорий.....19

Mavlyanov Gani Narimonovich

Studying the regularities of changes in the sorption properties of loess rocks with the addition of organomineral additives.....35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 38

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАВЛЯНОВ ҒАНИ НАРИМОНОВИЧ

**СУҒОРИЛАДИГАН ХУДУДЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ХАВФЛАРИНИ
КАМАЙТИРИШДА ЛЕССИМОН ЖИНСЛАРНИНГ СОРБЦИЯ
ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/GM8 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий Университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.gpniimr.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шерматов Мағбуд Шерматович

геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юсупов Шухрат Сақиджанович

геология-минералогия фанлари доктори

Мавлонов Аслон Акрамович

геология-минералогия фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

«Гидроминерал ресурслар геологияси» илмий ишлаб чиқариш маркази Давлат корхонаси

Диссертация ҳимояси Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.GM.40.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» май соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49, факс: (99871) 140-08-12, e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

Диссертация билан Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Р.А.Ахунджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д

Қ.Р.Мингбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.н.

Қ.Н.Абдуллабеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., академик.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон миқёсида муҳандислик геологияси бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлардан бири бўлиб лёсс жинсларининг сорбцион ва геохимёвий хусусиятларини баҳолаш ҳисобланади. Тупроқ ресурсларини ифлосланишдан муҳофаза қилиш каби мураккаб вазифаларни ҳал қилиш бўйича ёндошувларни ишлаб чиқиш зарурияти билан боғлиқ ҳолда тадқиқот ишлари захарли моддаларнинг экологик аҳамиятини аниқлаш, ифлослантирувчи моддаларни тош-тупроқ-ўсимлик тизимида салбий таъсири ва камайтириш йулларини қидириш бўйича илмий ёндашувларни ишлаб чиқишга қаратилган изланиш давом эттирилмоқда.

Жаҳон амалиётида лёсс жинсларининг сорбцион хусусиятларини аниқлашга бағишланган кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Канада, Австралия ва Америка Қошма Штатларида ушбу илмий изланишлар лёсс жинсларининг сорбцион хусусиятлари билан боғлиқ геоэкологик масалаларга қаратилганини эътироф этиш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда суғориладиган ҳудудлардаги лёсс жинсларнинг сорбцион хусусиятларининг табиий атроф муҳитга, уларнинг грунт тупроқларидан ташқари ер ости сувларига ҳам таъсирларини аниқлаш соҳа фани ва амалиётининг муҳим йўналишларидан биридир. Уларнинг экологик хавфларини баҳолаш ва камайтириш бўйича изланишларни амалга ошириш ҳозирги кескин ривожланиш даврида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда инсон соғлигини яхшилаш ва тиклаш борасида ичимлик сувларини сифатини яхшилаш мақсадида, суғориладиган майдонларда ифлосланишини олдини олишга қаратилган кенг қамровли тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан атроф муҳитни доимий мониторинг қилиш дастурлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш» бўйича вазифалар белгиланган. Бу борада, суғориладиган ҳудудларнинг экологик хавфларини камайтиришда лёссимон жинсларига орган-минерал қўшимчаларни қўшиш орқали уларнинг сорбцион хусусиятларини ва тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган янги изланишларни олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони.

3004-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар кўмитаси тизимида ягона геология хизматини тузиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг сув тўғрисидаги қонуни ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишини устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Минусинск тоғлараро Сибирь букиклиги, Рус плитаси Украина шити, Тянь-Шаннинг Чуй чўнқирлиги, Тожикистон депрессиясининг Вахш чўнқирлиги, Ўзбекистоннинг Чирчиқ-Оҳангарон чўнқирлиги, РСФСР Рус плитаси Валдай музлигидан олинган турли ёш, генезис, таркиб ва хоссадаги лёссимон жинслари тадқиқ қилинган (Злочевская Р.И., Королёв В.А., Минервин А.В., 1980). Силикатизациялаш ва грунтларни физик-кимёвий мелиорациялашнинг бошқа усуллари асосида геологик муҳитни ҳимоя қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган: Абрамова Т.Т., Воронкевич С.Д., (1995), сорбцион-чўктирувчи геокимёвий тўсиқларни ишлаб чиқишга оид (Алехин Ю.В., Савенко В.С. ва бошқалар., 2002; Қосимов Н.С., 2002; Блинов С.М., 2003; Баиров А.Ж., 2005; Абдуллаев Ш.Х., 2013).

Лёссимон жинсларининг ўрганилганлигига қарамасдан, улар сорбцион хоссаларини кўмир чиқиндилари кўшимчалари ёрдамида микроорганизмлар ассоциациялари билан ўзгартириш усуллари ишлаб чиқиш ишлари олиб борилмаган. Суғориладиган ҳудудларда геологик муҳит компонентларининг ифлосланиши турли йўналишдаги тадқиқотчиларни уни ҳал қилишнинг янги усуллари ишлашга мажбур қилмоқда. Шулардан бири тупроқ таркибида гумус улушини кўпайтириш билан бир вақтда таркибида кўмири бўлган кўшимчаларни киритиш ҳисобига аэрация зонасининг сорбцион хоссаларини ошириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти илмий режасининг №324 «Суғориладиган ерларнинг ифлосланишидан ер ости сувларини ҳимоя қилиш учун экологик калконни яратиш технологиясини ишлаб чиқий учун услубий асос яратиш» (2007-2009йй.) ва ЁА -13-008 «Органо-минерал кўшимчадан фойдалангандан кейин тупроқнинг экологик ҳолати динимикасини ўрганиш» (2016-2017йй) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади лёссимон жинсларининг орган-минерал кўшимча кўшилганида сорбцион хусусиятларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тошкент вилоятидаги тоғ жинсларининг геологик ва гидрогеологик шароитлари ва сорбцион хусусиятларини ўрганиш ҳамда лёссимон жинсларининг сорбцион хоссаларини ошириш учун органоминерал комплекс (бундан кейин – «ОМК») ишлаб чиқиш;

лёссимон жинслари аэрация зонасида «ОМК» таъсири остида сорбцион хусусиятларини баҳолаш учун лаборатория, лизиметрик ва экспериментал дала тадқиқотларини ўтказиш;

«экологик тосик/экрэн» ишлаб чиқиш орқали ер ости сувларини нитрат-нитрит ифлосланишидан ҳимоя қилиш услубини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Тошкент вилояти Юқори-Чирчиқ туманинг суғориладигон худудидаги лёссимон жинслари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Органоминерал комплекс киритишда лёссимон жинслари сорбцион хусусиятлари ўзгариши ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари: Ўзбекистон миллий университети геология ва география факультети ҳамда «Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти» томонидан лёссимонлар хоссалари ва ер ости сувлари таркиби ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олувчи ўтказилган илмий-тадқиқот ишлари натижаларини таҳлил қилиш, барча услубий қўлланмаларга мувофиқ ҳолда тадқиқот худуди (Тошкент вилояти Юқори-Чирчиқ худуди) аэрация зонасидаги лёссимон жинслари ва тупроқлари бўйича бевосита тажрибалар ўтказиш, шунингдек олинган лизиметрик ва лаборатория натижалари асосида тупроқлардаги сорбцион хусусиятларнинг ўзгаришларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор органоминерал қўшимчасини органминерал комплекс киритиш орқали лёссимон жинслари сорбцион хоссаларини ўзгартириш методикаси ишлаб чиқилган;

органоминерал қўшимчасини киритиш орқали лёсс жинслари сорбцион хусусиятларининг ошиши исботланган;

органоминерал қўшимчасини тупроққа киритилиши унинг таркибидаги гумус, умумий ва аммиакли азотнинг кўпайишига олиб келиши аниқланган;

органоминерал қўшимчасининг тупроққа киритилиши орқали азот, фосфор ва калий ҳаракатчан бирикмаларини аэрация зонасидан грунт сувларга ювиб кетилишининг камайишга олиб келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

органоминерал қўшимчасини (ОМК) киритиш орқали лёссимон жинслари сорбцион хоссаларини ўзгартириш асосида ер ости сувларини минерал ўғит қолдиқлари билан ифлосланишидан муҳофаза қилади. Шу билан бир қаторда тупроқ унумдорлигини оширган.

лизиметрик тажрибаларнинг кўрсатишича $N_{200}P_{140}K_{100}$ фони бўйича ОМК киритилганидан кейин грунт сувлардаги нитратлар, нитритлар, фосфатлар ва калийларнинг миқдорини камайиши, яъни грунт сувларнинг ифлосланиш жараёнини пасайишига олиб келган;

суғориладиган ҳудудлардаги лёссимон жинсларнинг сорбцион хусусиятларини кўпайганлиги юқори қисмида экологик шит қатлами сифатида ер ости сувларнинг ифлосланиши камайшига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлиги. Олиб борилган кўп йиллик дала тадқиқотларига методик жиҳатдан риоя қилинган ва апробация комиссияси томонидан ҳар йили баҳолаб борилган; тасдиқланган методикалар бўйича лаборатория ва лизиметрик тадқиқотлари ўтказилган; компонент сифатида таркибида кўмир чиқиндилари, лой минераллари (бентонит) ва микроорганизмлар – интродуцентлар бўлган маҳсус яратилган Супергумус маҳсулотидан фойдаланган. Сув ва тупроқнинг 74 та намунаси танлаб олинган ва кимёвий таҳлиллар олиб борилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти орғано-минерал қўшимчалар билан ишлов берилган лёссимон жинслар сорбцион хусусиятининг ошиши натижасида ер ости сувлари таркибидаги NO_3 миқдорини 70% дан ортик камайтиришига олиб келди. Шундай қилиб улардаги экологик хавфларини камайтириш имконини яратди ва ер ости сувлардаги нитрат –нитритлардан ифлосланишдан бошқа янги суғориладиган ҳудудларда ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти: ишлаб чиқилган ва амалда синовдан ўтказилган ОМҚни киритиш орқали лёссимон жинсларининг сорбцион хусусиятларини оширишнинг янги усули суғориладиган ҳудудларнинг грунт сувларини минерал ўғитлар қолдиқлари билан ифлосланишдан ҳимоя қилиш имконини беради. Яна бир самарали натижа бўлиб гумус миқдорининг ошиши ҳисобига тупроқлар ҳосилдорлигининг ошиши ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Суғориладиган ҳудудлардаги лёссимон жинсларининг сорбция хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

орғано-минерал комплексни киритиш орқали лёссимон жинсларининг сорбцион хусусиятларини яхшилаш бўйича «Ўғит олиш» ва «Тупроқ детоксикация» усулларига Интеллектуал мулк агентлигидан ихтирога патент олинган (IAP 03807; IAP 05541). Натижада ушбу ўғит орқали тупроқнинг сорбцион хусусиятлари яхшилаш ва суғориладиган ҳудудларнинг унумдорлигини ҳамда ушбу ўғит орқали тупроқнинг сорбцион хусусиятларини ошириш имконини берган;

ўғит олиш усули «Гидроминерал ресурслар геологияси» ИИЧМ ДҚ объектларида жорий этилган (Давлат геология қўмитасининг 2018 йил 12 мартдаги 04/04спр-сон маълумотномаси). Тупроқнинг сорбцион хусусиятларини ўзгартириш натижасида пастки қисмидаги грунт сувларидаги нитратлар миқдорини 70%га, нитритлар 15%га, фосфатлар 20%га, калий 9%га камайтириш ва тупроқнинг унумдорлигини 33%га ошириш имконини берган;

тупроқнинг детокискациялаш усули «Гидроминерал ресурслар геологияси» ИИЧМ ДК объектларида жорий этилган (Давлат геология кўмитасининг 2018 йил 12 мартдаги 04/04-сон маълумотномаси). Натижада соғ тупроқ жинслари сорбцион хусусиятларининг ҳамда тупроқ таркибида гумус, умумий ва аммиакли азотнинг кўпайишига ва шу билан бир қаторда ер ости сувлари ифлосланишини камайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан 2 та ихтирога патент. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 мақола, жумладан 9 таси республика ва 2 таси хорижий, конференция материалларида 13 та, жумладан 9 таси хорижда.

Диссертациянинг тузулиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 5 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузулиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Лёссимон жинслари сорбцион хоссаларининг шаклланиши ва ўзгаришига таъсир қилувчи асосий омиллар» деб номланган биринчи бобда грунтларнинг алмашилиш қобилятига ва аэрация зонасидаги элементларнинг миграциясига таъсир қилувчи омиллар очиқ берилган. Иш мавзуси юзасидан маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг тадқиқотлари натижалари батафсил таҳлил қилиб чиқилган, лёссимон жинслари характеристикаси келтирилган, грунтларнинг механик, физик, кимёвий сингдириш қобилятларига доир масалалар ёритилган. Хотимада грунт сувлари ифлосланишини камайтириш учун тупроқларнинг сингдириш сиғимини ошириш технологиясининг афзаллиги, лёссимон жинслари сорбцион хоссаларини яхшилаш бўйича илмий тадқиқотларни давом эттиришнинг ва санация усуллари ишлаб чиқишнинг долзарблиги ҳақида хулоса қилинган.

Иккинчи «Объект шароитлари ва тадқиқотлар методикаси» бобда Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманининг геологик ривожланиши тарихи ва қурилишининг ўзига хос хусусиятлари, геоморфологик шароитлари батафсил таърифланган. Кўриб чиқиладиган ҳудуднинг гидрогеологик

шароитлари асосан неоген ва тўртламчи давр чўкиндиларининг нам сақлайдиган горизонтлари билан характерланади.

Диссертация ишининг мақсад ва вазифаларига эришиш мақсадида муаллиф «ГИДРОИНГЕО», Ўзбекистон Давлат тупроқшунослик ва агрохимё илмий тадқиқот институти ва Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимликлар генетикаси ва тажрибавий биологияси ИТИ, Санитария ва гигиена ИТИ илмий ходимлари ҳамкорлигида илмий-тадқиқот изланишларини олиб борди.



1- тадқиқот участкаси; 2- автомобил йўли; 3- темир йўли; 4- давлат чегараси; 5- дарё тармоғи; 6 – инсон аҳоли турар жойлари;

Расм.1. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ районининг тадқиқот участкасининг топографик харитасидан нусха, масштаби 1:1 000 000

Ер ости сувларининг минерализацияси 0,21 дан 0,44 гача доирада ўзгаради. Кимёвий таркиби гидрокарбонат-сульфат магний-кальцийлидан сульфат-гидрокарбонат магний-натрийгача ўзгарувчан. Тадқиқ этилаётган объект лёссимон жинсларининг минералогик таркиби кварцли элементлар, дала шпатлари, слюдаларнинг устунлиги билан ифодаланади, иккиламчи минераллар сифатида амфиболалар ва пироксенлар учрайди; янада камрок миқдорда циркон, рутил, гранат ва бошқалар учрайди.

Туманнинг энг катта қисми Қорасу аллювиал текислиги ва кенглик йўналишдаги сув айирғич юзаларни кесиб ўтувчи пролювиал-аллювиал текисликларда кўп тарқалган шўрланмаган грунтлардан ташкил топган. Ушбу майдонлардаги жинсларнинг намлилиги 10%дан 20%гачани ташкил қилади ҳамда грунт сувлар жойланишининг чуқурлигига чамбарчас боғлиқдир. Ўрганилаётган лёссимон жинсларининг қайишқоқлиги куйидаги катталиқлар билан характерланади: қайишқоқликнинг юқори чегараси 26 дан 30 гача; пастки чегараси – 18 дан 23 гача ўзгаради; қайишқоқлик рақами 6 дан 12 гача доирада ўзгариб туради. Кўриб чиқилаётган майдон доирасидаги лёссимон жинсларининг ғоваклилик даражаси 43 дан 53%гачани ташкил қилади.

«Органоминерал комплекс олиш технологияси» деб номланувчи учинчи бобда кўмир қазиб чиқариш саноати чиқиндиларидан ОМК ишлаб чиқариш тавсифи келтирилган. Шуни қайд этиш керакки, республикада 25 миллион тоннадан ортиқ шундай чиқинди тўпланган. Диссертант иштирокидаги бир гуруҳ олимлар томонидан янги «Супергумус» органоминерал ўғити ишлаб чиқилди («Ўғит олиш усули. // Кашфиёт учун патент. IAP03807 от 22.10.2008). Ишчи гипотеза бўлиб лёссимон жинсига киритилган ОМК жинсининг сингдириш сиғимини ва тупроқдаги органик модда – гумус микдорининг ошишига ёрдам бериши хизмат қилган. Бу жинс сорбцион қобилиятини ҳамда тупроқлар биологик фаоллигини оширади, биокимёвий жараёнларни фаоллаштиради, галогенорганик пестицидлар қолдиқлари ва улар метаболитлари деструкцияланишига ёрдам беради. Қўшимча таркибидаги лойли минерал бентонит ва кўмир ифлослантирувчи моддаларни адсорбация қилишнинг жуда юқори қобилиятига эга.

Натурал кўринишда ОМК 42% органик моддалар (кўмир чанги), 33% лой (унинг 10%и бентонит) ва 25% майда қумдан иборат.

Тупроқшунослик ва агрохимё ИТИдаги тадқиқот давомида ОМК 21%га органик моддалар (Тюрин бўйича), 0,2% умумий азот, 0,1% фосфор, 0,3% калий ва ҳаракатчан P_2O_5 — 16 мг/кг, K_2O —100 мг/кг, рН —5,5дан ташкил топиши аниқланган. Гумус моддаларининг таркиби қуйидаги тартибда берилган: гумус кислоталари жами - 5,7%, шундан 3,4%и гумин кислоталари, 2,3%и фульвокислоталар.

ОМК ишлаб чиқаришнинг саноат технологияси унинг қуйидаги алоҳида таркибий қисмларини ишлаб чиқаришдан ташкил топади:

1) «асос»;

2) «концентрат»;

3) «асос», «концентрат»ни нам кўринишда ва бентонитни қориштиришдан.

Тупроқ таркибидаги гумус микдорини ошириш учун кўмир чиқиндиларида мавжуд 52% органик моддаларни қайта ишлайдиган, аммонификсаторли, азотфиксаторли бактериялар, актиномицетлар ва микрозамбуруғлардан ташкил топган микроорганизмлар ассоциациялари махсус танлаб олинган. «Асос»нинг саноатда ишлаб чиқарилиши

«Асос» биринчи бактериявий ассоциация сувли суспензия гидротиндиргичида 5 ой давомида сақланадиган нам кўмир чиқиндиларини инокуляция қилиш ёрдамида ҳосил қилинади. Инокуляция қилиш учун қуйидаги компонентлар: аммофос, буғдой кепаги ёки пахта шротини кўшиш орқали микроорганизмлар биринчи бактериявий ассоциациясининг сувли суспензияси тайёрланади, бунда каттик фазанинг суюқ фазага вазн нисбати $Қ:С = 1:0,8$ бўлади. Резервуар сифатида тиндиргич секциясининг ўзидан фойдаланилади.

Гидротиндиргич секциясининг юзасига 1м² майдонга бир меъёрда 2 кг суспензия киритилади. Умумий натижада – тиндиргичдаги 100 минг тонна кўмир чиқиндиларига 3 тонна суспензия, 5 ой давомида сақланади.

«Супергумус» органоминерал ўғитининг иккинчи қисми – «микроорганизмлар концентрати»ни ҳосил қилиш учун – «асос» микроорганизмларнинг иккинчи бактериявий ассоциациясидан иборат сувли суспензия билан инокуляция қилинади. «Асос» 1 м қатлам қилиб бетон лотокларга жойлаштирилади ва 10 сутка давомида сақланади. Инокуляция учун суспензия қуйидаги усулда тайёрланади. 2 литр сувда 50 г/л пахта шроти ёки буғдой кепаси ва 1 г/л $(\text{NH}_4)_2\text{HPO}_4$ аралаштирилиб, олинган қоришма микроорганизмларнинг иккинчи бактериявий ассоциациясининг 0,2 литри билан зарарланиб, 2 кеча-кундуз давомида 30⁰С ҳароратда сақланади. Микроорганизмларнинг ажратиб олинган бактериявий ассоциациясидан 10⁸ - 10⁹ кое/мл титрли сувли суспензия тайёрланади.

ОМКнинг микробиологик таркиби қуйидагича:

- Аммонификацияловчи бактериялар – *Bacillus megaterium*, *Bacillus mycoides*, *Pseudomonas aeruginosa* – улар таркибида азот бўлган, қийин олинадиган органик бирикмаларнинг парчаланишида иштирок этиб, уларни ўсимликлар учун осон эга бўлинадиган минерал шаклларга айлантиради. Бундан ташқари, ўғитнинг микробиологик таркиби эримайдиган органик ва минерал фосфатларни минераллаштириш жараёнларини сезиларли равишда жадаллаштирадиган *Bacillus subtilis* ҳисобига кучайтирилиб, шу йўл билан улар ўсимликлар томонидан осон ўзлаштирадиган шаклларга айлантиради. Энг муҳими шуки, мазкур штамм қишлоқ хўжалиги экинларининг турли касалликларини келтириб чиқарадиган тупроқдаги фитопатоген замбуруғлар ва бактерияларга нисбатан антагонистик фаолликнинг кенг спектрига эга. *Bacillus subtilis*'нинг киритилиши тупроқларнинг санитар ва экологик ҳолатининг яхшиланишига ёрдам беради.

- Азотфиксаторли бактериялар - *Pseudomonas aeruginosa*, *Azotobacter vinelandii*, *Pseudomonas fluorescens*, *Pseudomonas putida* – булар атмосферадаги молекулярли азотни ўзлаштириб, шу йўл билан ўсимликларнинг азот билан озиқланишини яхшилайдди.

- Микроскопик замбуруғлар- микромицетлар - *Aspergillus niger*, *Aspergillus terreus*, *Mucormucedo*, *Trichoderma lignorum*, *Penicillium notatum*, *Noctardia species*. Улар тупроқдаги полимер, айниқса безазотли (целлюлоза, лигнин, крахмал) бирикмаларнинг ажралиш жараёнида иштирок этиб, гумусли моддалар, хусусан, фульфоқислоталарнинг янгидан ҳосил бўлиш жараёнини жадаллаштиради.

- Актиномицетлар- *Roseum* тури. Улар тупроқдаги полимер, айниқса безазотли (целлюлоза, лигнин, крахмал) бирикмаларнинг ажралиш жараёнида иштирок этади.

ОМКни ҳосил қилиш учун «асос» 80%, «микроорганизмлар концентрати» 10% ва бентонит 10% қориштирилиб, суғориладиган майдонга киритилади. Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида киритишнинг мақбул нормаси белгиланди - 10 тонна/гектар. Ўғит бир марта - кузги шудгор пайтида 0 – 25 см чуқурликка киритилади. Таъсир қилиш муддати 5 йил.

«Органоминерал комплекс киритаётганда лёссимон жинсларининг сорбцион хоссаларини ўзгартириш бўйича лаборатор ва лизиметрик ишлар натижалари» деб номланувчи тўртинчи бобда ОМКнинг лёссимон жинслари ва тупроқнинг сорбцион хоссаларига таъсирининг лаборатория ва лизиметрик тадқиқотлари натижалари баён қилинган. Лаборатория тажрибалари «ГИДРОИНГЕО» институтида диаметри 5 см ва баландлиги 100 см бўлган пластмасс колонкаларни қўллаш йўли билан ўтказилган. Қилинаётган ишдан мақсад ер ости сувларини уларга нитратлар сингишидан химоя қилиш усулини ишлаб чиқиш бўлганлиги сабабли, фақатгина (NO_3^-) ва pH синамалари кимёвий таҳлил қилинган.

Лаборатория тажрибаларининг кўрсатишича, ОМК нитратларни сорбациялайди, бу химикатнинг миграциясини сезиларли даражада секинлаштиради ва камайтиради. (жадв.1).

1-Жадвал

Тажрибавий колонколарда нитрат таркибининг ўзгариш ҳолати

I- колонка (ОМК)			II-колонка (без ОМК)		
Фильтрат	pH	NO_3^- мг/л	фильтрат	pH	NO_3^- мг/л
№1	7,70	2400	№1	7,30	22500
№2	7,80	1142	№2	7,70	4200

ОМКнинг тупроққа киритилиши жадал денитрификацияга олиб келади, бу дегани микроорганизмлар таъсири остида азот бирикмалар парчаланиши жараёни юз беради. Шу сабабли колонкадан ювиб чиқарилган нитрат миқдори кам бўлиб, бу анча узоқ муддат давом этади, сорбция жараёни шундан далолат беради.

Шуни таъкидлаш жоизки бир вақтда pH нинг ўзгариши нитрат таркибига таъсир билдириши мумкин. Масалан, pH миқдорининг 0,1 гача кўтарилиши нитратларнинг ушлаб қолиш қобилятини 90% дан 73% гача камайтиради. ОМКнинг лизиметрик тадқиқотлари объекти сифатида Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимликлар генетикаси ва тажрибавий биологияси институти худудидаги тупроқ олинди.

Улар А.А.Баиров (Ўзбекистон Давлат тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти) ва А.А. Кариев (Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимликлар генетикаси ва тажрибавий биологияси ИТИ) раҳбарлигида олиб борилди. Лизиметрлар тупроқларидаги гумус динамикасини ўрганиш натижасида нисбатан қисқа муддатларда унинг миқдори кўпайганлигини кўрсатди. (2-жадвал).

ОМКнинг тупроқ таркибидаги гумус миқдори динамикасига таъсири, %

Вариантлар	Чуқурлик, см	Гумус,% 2007 й. II чораги	Гумус,% 2007 й. III чораги	Гумус,% 2007 й. IV чораги	Гумус,% 2008й. I чораги
		Ўрта қиймат	Ўрта қиймат	Ўрта қиймат	Ўрта қиймат
1. N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀ - фон	0-25	1,37	1,39	1,39	1,39
	25-50	0,83	0,81	0,82	0,84
	50-75	0,81	0,82	0,83	0,81
	75-100	0,62	0,65	0,66	0,62
2. Фон +5т/га ОМК	0-25	1,39	1,55	1,56	1,52
	25-50	0,70	0,84	0,83	0,83
	50-75	0,63	0,73	0,74	0,64
	75-100	0,67	0,67	0,69	0,68
3. Фон +10т/га ОМК	0-25	1,40	1,70	1,72	1,55
	25-50	0,86	0,93	0,95	0,87
	50-75	0,66	0,76	0,77	0,67
	75-100	0,69	0,69	0,70	0,69
4. Фон +15т/га ОМК	0-25	1,42	1,85	1,87	1,66
	25-50	0,91	1,20	1,22	1,15
	50-75	0,87	0,87	0,89	0,86
	75-100	0,63	0,63	0,65	0,64

Жадвалдан кўришиб турибдики, ОМКни киритишдан олдин, 2007 йилнинг 2-чорагида, гумуснинг юқори 0-25 см.ли қатламида 1,37-1,42% миқдорда ўзгариб турган. ОМКни 5, 10 и 15 т/га нормада N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀фонида киритганда тупроқнинг юқори 0-25 см қатламида аниқлашнинг барча муддатларида гумус миқдорининг салмоқли равишда кўпайиши кузатилади.

Тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, ОМКнинг N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀фони бўйича киритилиши тупроқдаги азот бирикмаларининг ўзгаришига сезиларли равишда таъсир қилишини кўрсатди. (жадв.3) 5, 10 и 15 т/га нормаларда киритилганда тупроқдаги аммиакли азот миқдори назорат (киритилмагандаги вариант)га нисбатан аниқлашнинг барча муддатларида салмоқли равишда ошади, бу эса тупроқда азотнинг микроорганизмлар томонидан биологик мустаҳкамланиш жараёнларининг кучайишидан ҳамда аммонийнинг тупроқдаги минераллар томонидан фиксацияланишидан далолат беради.

Шундай, «ОМКни 10 ва 15 т/га нормаларда киритганда аммонийнинг 0-25 см тупроқ лизиметрлари таркибидаги миқдори 2007 йилнинг 3-чорагида мос равишда назоратдаги 6,5 мг/кг.га нисбатан 11,0 ва 12,4 мг/кг.ни ташкил қилган». Худди шу қонуният аммиакли азот миқдорини аниқлашнинг кейинги муддатларида ҳам кузатилган. Тупроқ профилидаги чуқурлик бўйлаб аммоний миқдори тажрибанинг барча вариантларида камайгани кузатилган.

Лизиметрик тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, ОМКнинг N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀фони бўйича киритилиши тупроқдаги азот бирикмаларининг ўзгаришига сезиларли равишда таъсир қилишини кўрсатди. 10 ва 15 т/га нормаларда киритилганда тупроқдаги аммиакли азот миқдори назоратга нисбатан аниқлашнинг барча муддатларида салмоқли равишда ошади.

Шундай, вариантларнинг ҳайдаладиган қатламида ОМК 10 ва 15 т/га нормаларда киритилганда аммиакли азот миқдори назоратдаги 6,3-7,1 мг\кг.га нисбатан 2008 йилнинг 3-чорагида, мос равишда, 15,7 ва 20,0 мг\кг.ни, 4-чорақда 11,7 ва 13,2 мг\кг.ни, 2009 йилнинг 1-чорагида 10,2 ва 12,0 мг\кг.ни ташкил қилди.

3-Жадвал

ОМКнинг тупроқ таркибидаги азот миқдори динамикасига таъсири, %

Вариантлар	Чуқурлик, см	Азот,% 2007 й. II чораги	Азот,% 2007 й. III чораги	Азот,% 2007 й. IV чораги	Азот,% 2008й. I чораги
		Ўрта қиймат	Ўрта қиймат	Ўрта қиймат	Ўрта қиймат
1. N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀ - фон	0-25	0,087	0,087	0,088	0,089
	25-50	0,074	0,076	0,078	0,075
	50-75	0,072	0,076	0,079	0,071
	75-100	0,060	0,058	0,057	0,062
2. Фон +5т/га ОМК	0-25	0,088	0,098	0,097	0,089
	25-50	0,076	0,078	0,077	0,078
	50-75	0,062	0,064	0,070	0,063
	75-100	0,056	0,058	0,056	0,058
3. Фон +10т/га ОМК	0-25	0,086	0,100	0,101	0,096
	25-50	0,080	0,081	0,082	0,081
	50-75	0,076	0,070	0,069	0,078
	75-100	0,056	0,056	0,055	0,058
4. Фон +15т/га ОМК	0-25	0,090	0,112	0,110	0,099
	25-50	0,084	0,088	0,087	0,085
	50-75	0,072	0,078	0,076	0,073
	75-100	0,055	0,055	0,057	0,056

Нитратларнинг тупроқнинг ҳайдаладиган қатлами таркибидаги миқдори 2008 йилнинг 3-чорагида мос равишда назоратдаги 28,9 мг/кг.га нисбатан 25,7 ва 24,3 мг/кг.ни ташкил қилган. Худди шу қонуният тупроқдаги нитратлар миқдорини аниқлашнинг кейинги муддатларида ҳам кузатилган. Бунда 2008 йилнинг 4-чораги ва 2009 йилнинг 1-чорагида тупроқ таркибидаги нитратлар миқдорининг камайиш тенденцияси кузатилган, бу эса, шак-шубҳасиз, вегетация, нитратлар ювиб кетилиши даврида ва денитрификация жараёнларида уларнинг ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиши натижаси бўлиб ҳисобланади.

Тупроқ таркибидаги нитратларнинг миқдори чуқурлашган сари равон камайиб боради, улар барча вариантлар бўйича тупроқ-грунтларнинг ўрганилган барча қатламларида аниқланган. Нитратларнинг 300 см

чуқурликдаги миқдори тажриба бошида 4,7-9,0 мг\кг.ни ташкил қилган. 10 ва 15 т\га нормадаги вариантларда минерал ўғитлар ва ОМК киритилганидан кейин нитратлар миқдори назоратдаги 14,0 мг\кг.га нисбатан мос равишда 7,9 ва 5,5 мг\кг.ни ташкил қилган, бу эса ОМК киритилганда нитратлар ювиб кетилишининг камайишидан гувоҳлик беради. Бунда нитратлар миқдорларининг энг паст кўрсаткичлари (2,4-3,7 мг\кг) ярим йилдан кейин, ОМК киритилган вариантларда кузатилган. Нитратлар миқдорини аниқлашнинг худди шу даврларида худди шу чуқурликда улар назоратда, мос равишда, 13,6 ва 14,0 мг\кг.ни ташкил қилган, бу эса ОМК киритилган вариантлар билан таққослаганда сезиларли равишда кўпроқдир.

Шундай қилиб, лизиметрлардаги тажрибалар натижалари ОМКни қўллаганда нитратлар азотининг тупроқларда тўпланиши нитратларнинг ортиқча концентрациясини мос равишда 10 ва 15 т\га нормадаги вариантларда 300 см чуқурликдаги аэрация зонасида 1,7 ва 5,6 бараварга камайтиришнинг ҳамда назорат билан таққослаганда азотнинг аммоний ва органик шаклида тўпланишининг самарали механизми бўлиб ҳисобланади. ОМКнинг лизиметрик сувлардаги ҳаракатчан азот, фосфор ва калий бирикмалари миқдорига таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, ОМКнинг киритилиши азот, фосфор ва калий ҳаракатчан бирикмаларининг аэрация зонасидан лизиметрик сувларга ювиб кетилишига тўсқинлик қилади. Бунда азот, фосфор ва калий ҳаракатчан бирикмаларининг лизиметрик сувларга энг кам ювилиши ОМК 15 т\га нормада киритилгандаги вариантда кузатилади.

Бешинчи «ОМК киритилганда лёссимон жинслари сорбцион хоссаларини ўзгартириш бўйича дала ишлари натижалари» бобида Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани «Гулистон» хўжалиги ҳудудининг суғориладиган типик бўз тупроқларидаги дала ишлари натижалари келтирилган. Дала тажрибаси чизмаси куйидаги вариантларни ўз ичига олган: 1) назорат варианты - киритиш нормаси $N_{200}P_{140}K_{100}$ фон; 2) киритиш нормаси 5 т\га ОМК фон бўйича; 3) киритиш нормаси 10 т\га ОМК фон бўйича; 4) киритиш нормаси 15 т\га ОМК фон бўйича.

Тажриба уч йил давомида олиб борилган. Майдони 3 гектар бўлган тажриба полигони танлаб олинган. Полигон майдони куйидаги чизма бўйича 4 қайтарилувчан блокка, ҳар бир блок 3 майдонга бўлинган:

1-блокнинг биринчи майдони назорат майдони, иккинчи ва учинчи майдонларга, мос равишда, 10 ва 15 тонна/гектар нормада ОМК киритилган.

Экин экиш олдидан ўтказилган агротехник чора-тадбирлардан сўнг майдонларга режалаштирилган ҳисоб-китоб бўйича қўлда ОМК киритилган.

Агротехник ва агрокимёвий шартлар: пахта хом ашёсининг юқори ҳосилларини олиш имконини берувчи агротехника қўлланилган. Барча зарур чора-тадбирлар мақбул муддатларда ва яхши сифатда кўрилган. Кузда, ҳосил йиғиб олингандан сўнг, даладан ғўза поялари олиб ташланган. Сўнг режалаштирилган меъёрларга мувофиқ минерал ўғитлар киритилган. Қолган барча агроусуллар хўжаликда қабул қилинган муддатларга мувофиқ

ўтказилган. ОМКни киритишдаги пахта хом ашёси ҳосили, мос равишда, назорат вариантыдаги 35,3 ц\га нисбатан 38,7 ц\га.ни ташкил қилди. Пахта хом ашёсининг кўшимча ҳосили 3,4 ни ташкил қилди. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, ОМК тупроқлар ҳолатига ҳам бевосита (кўмир саноати ва бентонит чиқиндиларининг ифлослантирувчи моддаларини адсорбация қилади), ҳам билвосита (тупроқда гумус модллари миқдорининг кўпайиши орқали минерал ўғитлар чиқиндилари адсорбацияси ҳамда пестицидларнинг қолдиқ миқдорлари ва улар метаболитлари деструкцияси).

Шунингдек, ОМКнинг $N_{200}P_{140}K_{100}$ фони бўйича 10 ва 15 т\га нормаларда киритилиши пахта хом ашёси ҳосилининг мос равишда 4,3 ва 5,6 ц\га, буғдойнинг эса мос равишда 6,8 ва 10,1ц\га кўшимча олинисини таъминлайди.

ХУЛОСА

1. ОМКнинг киритилиши лёссимоннинг сингдириш сифимини оширади, улар сорбцион хоссаларини оширади (нитрат-ионларини сорбциялайди, табиий ҳолда уларнинг аэрация зонасида миграцияланишини секинлаштиради ва камайтиради). Бу эса азотли бирикмаларнинг ер ости сувларига кириб кетишда тўсқинлик қилувчи муайян яратади. Ер ости сувларини суғориладиган майдонларда ҳимоя қилиш – бу энг муҳим масаладир. Бундай жойларда ер ости сувлари кўпинча аҳоли учун тоза сув билан таъминланишининг ягона манбаи бўлиб ҳисобланади.

2. Тупроққа ОМКнинг киритилиши шиддатли денитрификацияга олиб келади, бу дегани микроорганизмлар таъсирида азот бирикмаларининг парчаланиш жараёни юз беради, шу боис асосий масала ҳал қилинади: суғориладиган майдонларда минтақавий тақсимотга эга бўлган ер ости сувларини нитратли ифлосланишидан муҳофаза қилади. Шу сабабли колонкадан юшиб чиқарилган нитрат миқдори кам бўлиб, бу анча узоқ муддат давом этади, бундан сорбция жараёни далолат беради.

3. Ушбу омиллар табиий омиллар билан (тупроқнинг шўр бўлмаганлиги, ер ости сувлари камлиги, ер ости сувларининг паст даражаси (3 м. дан ортиқ)) биргаликда аэрация зонасининг минерал ўғитлар қолдиқлари билан ифлосланишидан ҳимоя қилиш хусусиятини оширади.

4. ОМКнинг киритилишида аэрация зонасидаги органик углеродлар миқдори нисбатан қисқа муддатларда сезиларли равишда кўпаяди. ОМКнинг 5, 10 и 15 т\га нормада киритганда тупроқнинг юқори 0-25 см қатлами таркибидаги гумус миқдори мос равишда назоратдаги 1,39 т\га қараганда 1,52, 1,55, 1,66 т\га.ни ташкил қилган, бу эса ОМК киритилмаган вариантдагига қараганда 0,13, 0,16 ва 0,27 %га юқори.

5. ОМКнинг $N_{200}P_{140}K_{100}$ фони бўйича киритилиши тупроқ таркибидаги умумий азот миқдорининг кўпайиши билан бирга кечади, ялпи фосфор ва калий миқдорларига эса аҳамиятли таъсир ўтказмайди.

6. ОМКни 5, 10 и 15 т/га нормаларда киритганда тупроқдаги аммиакли азот миқдори аниқлашнинг барча муддатларида назоратга нисбатан сезиларли равишда кўпаяди, бу эса азотнинг тупроқда микроорганизмлар томонидан биологик мустаҳкамланиши жараёнларининг кучайиши ҳамда аммонийнинг тупроқ минераллари томонидан фиксацияланишидан далолат беради.

7. Тупроққа ОМКнинг $N_{200}P_{140}K_{100}$ фони бўйича киритилиши унинг таркибида фосфатларнинг ўсимликлар ўзлаштирадиган шакллари ошишига ёрдам беради, шу билан бирга бу уларнинг грунт ва ер ости сувларига ювиб кетилиши билан бирга кечмайди.

8. ОМКнинг $N_{200}P_{140}K_{100}$ фони бўйича киритилиши азот, фосфор ва калий ҳаракатчан бирикмаларининг аэрация зонасидан лизиметрик сувларга ювиб кетилишига тўсқинлик қилади. Бунда азот, фосфор ва калий ҳаракатчан бирикмаларининг лизиметрик сувларга энг кам ювилиши ОМК 15 т/га нормада киритилганда кузатилади.

9. ОМКнинг $N_{200}P_{140}K_{100}$ фони бўйича киритилишида аниқлашнинг барча муддатларида лизиметрлар тупроқларида ДДТ ва ДДЕ топилмаган. α -ГХЦГ ва γ -ГХЦГ миқдорлари эса ПДКдан анча кам миқдорларда кузатилиб, бу сўнгги йилларда лизиметрларга хлор органик пестицидлар киритилмаганлиги ёки улар жуда кам дозаларда қўлланилганлигидан далолат беради.

10. ОМКнинг $N_{200}P_{140}K_{100}$ фони бўйича киритилиши пахта хомашёси ҳосилининг кўпайишига ёрдам беради. ОМК 15 т/га нормада киритилганда пахта хомашёси ҳосили назорат вариантыдаги 35,3ц/га.га нисбатан 38,7 ц/га.ни ташкил қилди.

ТАВСИЯЛАР

1. Органоминерал қўшимчалар ер ости сувларини ифлосланишдан муҳофаза қилади, тупроқларнинг унумдорлигини оширади. Шунинг учун уни ишлаб чиқаришда IAP 03807-сонли «Ўғит олиш усули» ва 05.05.2016 йилдаги IAP 05541-сонли «Тупроқ детоксикацияси усули» ихтиро учун патентларига мувофиқ ишлаб чиқариш зарур.

2. Органоминерал қўшимчаларни қишки ёки кузги хайдаш пайтида 1 гектар суғориладиган ер майдонига 15 тоннадан кам бўлмаган меъёрида қўллаш зарур.

3. Органоминерал қўшимча киритилганидан сўнг грунтнинг сорбционлик қобилияти 10%га, тупроқдаги гумус миқдори 15%га ҳамда тупроқдаги микроорганизмлар фаоллиги ошади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.GM.40.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИНЕРАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ,
ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ И ГЕОФИЗИКИ, ИНСТИТУТЕ
ГИДРОГЕОЛОГИИ И ИНЖЕНЕРНОЙ ГЕОЛОГИИ, ИНСТИТУТЕ
СЕЙСМОЛОГИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА И ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

МАВЛЯНОВ ГАНИ НАРИМАНОВИЧ

**ОЦЕНКА СОРБЦИОННЫХ СВОЙСТВ ЛЁССОВЫХ ПОРОД В
СНИЖЕНИИ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ РИСКОВ ОРОШАЕМЫХ
ТЕРРИТОРИЙ**

04.00.04– Гидрогеология и инженерная геология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.1.PhD/GM8.

Диссертация выполнена в Национальном Университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.gpniimr.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Шерматов Магбут Шерматович**
Доктор геолого-минералогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Юсупов Шухрат Сакиджанович**
Доктор геолого-минералогических наук

Мавлонов Аслон Акрамович
Кандидат геолого-минералогических наук

Ведущая организация: **ГП НПЦ «Гидроминеральных ресурсов»**

Защита диссертации состоится «___» мая 2018 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.GM.40.01 при Научно-исследовательском институте минеральных ресурсов, Институте геологии и геофизики, Институте гидрогеологии и инженерной геологии, Институте сейсмологии, Национальном университете Узбекистана и Ташкентском Государственном техническом университете (Адрес: 100060, г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, 11а. Тел.: (99871) 256-13-49; факс: (99871) 140-08-12; e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института минеральных ресурсов (регистрационный номер №___). (Адрес: 100060, г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, 11а. Тел.: (99871) 256-13-49).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «___» _____ 2018 года.)

Р.А.Ахунджанов
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.г.-м.н.

К.Р.Мингбоев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.г.-м.н.

К.Н.Абдуллабеков
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., академик.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике инженерно-геологические исследования, направленные на изучение особенностей сорбционных свойств лессовых пород, являются одним из актуальных направлений. Продолжается разработка научных подходов к решению задач охраны подземных вод и верхнего слоя зоны аэрации от загрязнения активизировали поиск путей предотвращения и снижения степени негативного влияния загрязнителей на систему вода-порода-растение.

В мировой практике проводится ряд научно-исследовательских работ по определению сорбционных свойств лёссовых пород. В частности, данные исследования связанные с сорбционными свойствами лёссовых пород в Канаде, Австралии и Соединенных Штатах признаны к геоэкологическим проблемам. В этой связи одно из основных направлений науки и практики являются выявление влияния сорбционных свойств горных пород в орошаемых районах на природную среду и их грунтовые воды. Внедрение исследования по оценки экологических рисков и их снижения представлет важное значение на современном этапе интенсивного развития.

В нашей стране приводятся комплексные меры по предотвращению загрязнения орошаемых территорий, повышению качества питьевой воды в области улучшения здоровья человека. В том числе реализуются программы мониторинга окружающей природной среды. В плане действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ предусмотрены следующие задачи по «Совершенствованию мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие мелиоративных и оросительных сооружений, внедрение интенсивных методов в сельскохозяйственное производство, в первую очередь внедрение современных водосберегающих технологий, высокопроизводительной сельскохозяйственной техники». В связи с этим важное значение представляет проведение новых научно-исследовательских работ по снижению экологических рисков орошаемых территорий, направленных на повышение плодородия почв и сорбционной способности лёссовых пород путем внесения органо-минеральной добавки.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указом Президента Республики УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением Президента № ПП-3004 от 24 май 2017 г. «О мерах по созданию единой геологической службы в системе Государственного комитета Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию республики Узбекистан»

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики - VIII. «Науки о земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

Степень изученности проблемы. Проводились исследования лёссовых пород различного возраста, генезиса, состава и свойств, отобранные из Минусинского межгорного прогиба Сибири, Украинского щита Русской плиты, Чуйской впадины Тянь-Шаня, Чу-Илийской впадины Тянь-Шаня, Гиссарской и Вахшской впадины Таджикской депрессии, Чирчик-Ахангаранской впадины Узбекистана, перигляциальной зоны Валдайского оледенения Русской плиты РСФСР. (Злочевская Р.И., Королёв В.А., Минервин А.В., 1980). Проводились исследования по защите геологической среды на основе силикатизации и других методов физико-химической мелиорации грунтов: Абрамова Т.Т., Воронкевич С.Д., (1995), по разработке сорбционно-осадительных геохимических барьеров (Самойленко В.Г., 1983-92гг., Арипов С.А., 1981; Ходжаев В.Г., Ибрагимов А.С., 1992; Алёхин Ю.В., Савенко В.С. и др., 2002; Касимов Н.С., 2002; Блинов С.М., 2003; Баиров А.Ж., 2005; Абдуллаев Ш.Х., 2013)

